

Табиий газни улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериш ва қабул қилиш
ШАРТНОМАСИ

2022 йил 29 " сентябр 41-10-сон Самарқанд ш.
(шартнома тузилган жой)

Низом асосида фаолият юритувчи 4-сон №20
қушор мантабаси
(Истеъмолчи номи)

(кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), раҳбари Кориев О. бир
томондан ҳамда Низом ва 2022 йил " " да берилган -соғли
ишончнома асосида фаолият юритувчи " "

"Қуддатга Самарқанд" 1790
(газ таъминоти ташкилоти номи) (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб
аталади), раҳбари Нуровмажидов иккинчи томондан, қуйидагилар
тўғрисида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи ўз зиммасига газ тармоқлари орқали Истеъмолчининг келишилган буюртманомаси бўйича табиий газ (кейинларда ўринларда газ деб аталади) етказиб бериш мажбуриятини олади, Истеъмолчи эса ўз зиммасига ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ҳажмда газни қабул қилиш мажбуриятини олади ҳамда тўловларни белгиланган нарх бўйича ўз муддатида амалга оширади.

1.2. Етказиб берувчи газни ушбу шартномага ва газлаштириш лойиҳасига мувофиқ, газдан фойдаланиш учун стандартлаштирилган ва сертификатга эга газ қурилмалари, шунингдек, электрон газни ҳисоблаш приборлари (кейинги ўринларда ҳисоблаш приборлари деб аталади) мавжуд бўлганда етказиб беради.

1.3. Истеъмолчи Етказиб берувчига тасдиқланган меъёрларга (Табиий газдан фойдаланиш қоидаларининг 6-бандига) асосан ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ёки кўрсатилаётган хизмат) нисбатан келгуси йилда газга асосланган эҳтиёжни тақдим этади.

Истеъмолчи жорий йилнинг 15 июль кунига қадар келгуси йилда истеъмол қилиниши тахмин қилинаётган газ ҳажми бўйича буюртма беради.

1.4. Истеъмолчи билан келишилган буюртма бўйича етказиб бериладиган газ ҳажми техник шартларда белгиланган босим ва ҳажмда 2022 йилда 25000 куб.м, нархи 16500,0 минг сўмни ташкил қилади, жумладан чораклар ва ойлар бўйича қуйидагича тақсимланади:

I чорак	<u>15,0</u> минг куб.м,	январь	<u>5,0</u> ,	февраль	<u>7,0</u> ,	март	<u>3,0</u> .
II чорак	<u> </u> минг куб.м,	апрель	<u> </u> ,	май	<u> </u> ,	июнь	<u> </u> .
III чорак	<u> </u> минг куб.м,	июль	<u> </u> ,	август	<u> </u> ,	сентябрь	<u> </u> .
IV чорак	<u>10,0</u> минг куб.м,	октябрь	<u> </u> ,	ноябрь	<u>5,0</u> ,	декабрь	<u>5,0</u> .

Етказиб берувчи томонидан хизматларини тўлиқ ҳажмда кўрсатиши учун мажбур ва газ тақсими тармоқларининг ишлаши издан чиққан тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қўйилган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчиларга 20 йилда ҳарор бўлиши табиий газнинг мажбурий ҳажми _____ минг куб метр, шу қумладан чораклар ва ойлар бўйича қўйилган таъкид қилади:

I чорак _____	_____ минг куб.м.	январь _____	_____	февраль _____	_____	март _____	_____
II чорак _____	_____ минг куб.м.	апрель _____	_____	май _____	_____	июнь _____	_____
III чорак _____	_____ минг куб.м.	июль _____	_____	август _____	_____	сентябрь _____	_____
IV чорак _____	_____ минг куб.м.	октябрь _____	_____	ноябрь _____	_____	декабрь _____	_____

1.3. Агар, Истеъмолчи ойлар бўйича бўлинган буюртмаюмани тақдим этмаса, Етказиб берувчи томонидан чорак учун ажратилган табиий газ ҳажми ойлар бўйича бар ҳил миқдорда тақсимланади.

1.6. Етказиб берувчи Истеъмолчи буюртмаларини табиий газ ресурсларининг ва газни тақсимлашнинг тасдиқланган балансига мувофиқ ажратилган ҳажмлар доирасида қайта кўриб чиқиши мумкин. Истеъмолчи томонидан навбатдаги ой (чорак) учун кўрсатилган табиий газ ҳажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортқича олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Газ ушбу шартномада қайта этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014 (Сановат ва коммунал фойдаланиши учун табиий ёнувчи газлар) га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.2. Истеъмолчи Етказиб берувчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолчининг суткалик меъёри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномасини имзолайди.

2.3. Етказиб берувчи Истеъмолчига 24 соат ичнда газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Етказиб берувчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

Самарқанд ш. Ойбек йили 100-йил 100-йил

Истеъмолчи манзили ва телефон рақами:

Пастордаргани йили, 100-йил "ИТБ"

2.4. Етказиб берувчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартirilishiга ҳақлар ҳамда 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартirilishi ёки тўхтатилади.

2.5. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режимлари бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларининг бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Етказиб берувчи Истеъмолчининг оғоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки

тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса захира ёкилиги туридан фойдаланишга Утади.

2.6. Истеъмолчи Етказиб берувчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунотазам алмашиши таъминлаш учун жавобгарлиқни ўз зиммасига олади.

2.7. Истеъмолчи захира ёкилиги туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт. Истеъмолчи Етказиб берувчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ захира ёкилигига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли даволатнома билан расмийлаштирилади.

2.8. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соғ ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.9. Истеъмолчининг қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш ҳажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Етказиб берувчидан қўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт. Газ тармоқларига уланиш Табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади.

2.10. Истеъмолчи ёки Етказиб берувчининг тўлов рекузитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудли билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.11. Табиий газни казиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жаравинини ҳисобга олиб, табиий газни Ишлаб чиқарувчи ва Етказиб берувчининг талабларини бажариш Истеъмолчилар учун мажбурий ҳисобланади.

III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида ўрнатишга ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш даволатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланги ҳисоблаш) Етказиб берувчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

3.3. Бирлик миқдори стандарт шариотда 1 м³ газ олимпиа: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кПа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-химий параметрлари (стандарт шариотда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори "Ўзстандарт" агентлигининг меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шариотта автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

